



ИЛМИЙ ВА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**Бобоев Бахромжон Кенжаевич, Усмонов Одил Камилович,
Махаммадалиев Махмуджон Ботиржон ўғли**
Фарғона давлат университети

Аннотация: Мақолада Республикамида чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, илмий амалий ишларни ва халқаро ҳамкорликларни янги инновацион технологиялар асосида ривожлантириш, қишлоқ жойларининг ривожланиши ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишда, шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлиги ва қишлоқ жойларда аҳоли бандлигини таъминлашда фермер ва деҳқон хўжаликларининг ўрни муҳим рол ўйнаши билан боғлиқ масалалар ёритилган.

Калит сўзлар: инновация, технология, наслчилик, кадрлар тайёрлаш, илмий салоҳият, гидропоника, яшил озуқа, Чорвачилик, озуқа база.

Аннотация: В статье раскрыта роль фермерских и крестьянских хозяйств в создании необходимых условий для устойчивого развития животноводческих отраслей республики. Особое внимание уделено развитию научных исследований и международного сотрудничества на основе инновационных технологий, а также развитию сельских территорий и повышению благосостояния населения. Важная роль отводится обеспечению продовольственной безопасности и занятости населения в сельской местности.

Ключевые слова: инновация, технология, селекция, подготовка кадров, научный авторитет, кормовая база, гидропоника, зеленые корма, животноводство, кормовая база.

Abstract: In the article, the role of farmers and peasants in creating the necessary conditions for the sustainable development of the livestock sector in the Republic, developing scientific research and international cooperation based on new innovative technologies, developing rural areas and improving the well-being of the population, as well as ensuring food security and employment of the population in rural areas. the issues related to playing an important role are highlighted.

Keywords: Innovation, technology, selection, breeding, personnel training, scientific authority, hydroponics, green feed. animal husbandry, natural base.

Кириш

Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг энг муҳим тармоғи бўлиб, халқимизни сут, гўшт, тухум, асал, балиқ ва бошқа озиқ – овқат маҳсулотлари ҳамда енгил саноатни турли хом – ашё билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Француз олими Жан Жак Руссонинг қуйидаги сўзларидан бошлашни лозим топдик, яъни: Хар қандай давлатни мустақиллигини сақловчи бир омил бор – бу унинг қишлоқ хўжалигидир. Бутун дунё бойликлари қўлингда бўлсаю, ейишга нарсангиз бўлмаса – сиз бошқага қарамсиз! Савдо бойлик яратса, қишлоқ хўжалиги озодликни нафақат ушлаб қолади, балки ривожлантиради... дейилган.

Хозирги вақтда чорвачилик энг сертармоқ сохалардан бири хисобланади. Унинг асосий тармоқлари қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик, паррандачилик, йилқичилик, туячилик, қуёнчилик, асаларичилик, пиллачилик бўлса, сўнгги йилларда унинг таркиби янги тармоқлар, яъни мўйнабоп хайвон турлари хамда, кўл ва сунъий интенсив балиқчилиги ва хоказолар билан бойитилмоқда. Республикамида чорвачилик сохасини барқарор ривожлантириш учун зарур шарт – шароитлар яратиш, илмий – амалий ишларни янги инновацион технологиялар асосида ривожлантириш, қишлоқ жойларининг ривожланиши хамда ахоли фаровонлигини оширишда, шунингдек озиқ – овқат хавфсизлиги ва қишлоқ жойларда ахоли бандлигини таъминлашда фермер ва дехқон хўжаликларининг ўрни муҳим рол ўйнайди.

Республикада қишлоқ хўжалиги махсулотлари ялпи улушининг 44 фоизи чорвачилик тармоқлари махсулотлари хисобига тўғри келиши кузатилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда қишлоқ хўжалигининг ўта муҳим йўналишларидан бири хисобланган чорвачилик тармоқларида селекция наслчилиги ишларини дунёдаги илғор тажрибалар хамда замонавий технологиялар ва илм – фан ютуқларини амалиётга жорий этиш, бутун чорвачилик тармоғини иқтисодий самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Ўсиб келаётган мамлакатимиз ахолисини чорвачилик махсулотларига бўлган талабини қондириш ички истеъмол бозорларида гўшт, сут, тухум, асал, балиқ ва бошқа махсулотларни ишлаб чиқариш хажмларини янада кўпайтириш хамда уларнинг нархлари барқарорлигини доимий таъминлаш энг муҳим устивор вазифалардан бири хисобланади.

Бундай тадбирлар нафақат ахоли манфаатларини оширади балки, қишлоқ жойларда тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим қадам бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Аграр соҳада энг катта муаммо – фермерларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида етарли билимга эга эмаслигидир. Тўғри, уларда куч – ғайрат, ташаббус, ерга меҳр бор, кўпчилигининг кўзи ёниб турибди. Лекин афсуски, биргина хоҳиш билан биз юқори ҳосилдорликка ва пировард натижага эриша олмаймиз. Бизга қишлоқ хўжалиги технологияларини мукамал эгаллаган, замонавий ишлаб чиқариш ва инновация усулларида хабардор фермерлар сув билан хаводек зарур” дейилган.



Ўзбекистон Республикаси Президенти мухтарам Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2017 йил июн ойидаги Фарғона вилоятига таърифларида Фарғона давлат университетида “Зоотехния” факультетининг очилиши ҳамда “Асаларичилик” ва “Анорчилик” йўналишлари бўйича олий маълумотли бакалавриятлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Хозирда Венгрия қишлоқ хўжалиги в ҳаёт фанлари университети Фарғона давлат университети билан халқаро ҳамкорлиги доирасида Аграр қўшма факультети ташкил этилди. Факультет қошида тупроқшунослик аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш ва доривор ўсимликлар ва мевачилик ва сабзавотчилик кафедралари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Яна бир янгилик Фарғона давлат университети ҳамкорлигида ушбу соҳаларни янада ривожлантириш бўйича янги қурилаётган Фарғона эко шаҳрида Ўзбекистон Қаҳрамони, университетнинг фахрий профессори, ҳурматли ва азиз бўлган Лолахон опа Муротова номидаги қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилган касб-хунар мактабининг Президентимиз томонидан очилиши келажакда ёшларни ушбу соҳаларга қизиқтириш, касб – хунарга ўргатиш, билимли ёшларни кейинги олий ўқув йўналишларига тайёрлашдан иборат.

Шунинг учун келажакда ушбу соҳаларни янада ривожлантириш, илмий салоҳиятни янада ошириш ва чорвачилик соҳасини олий маълумотли, етук зооинженерия мутахассислари билан таъминлаш мақсадида Фарғона давлат университети Аграр қўшма факультети қошида қўшимча (60840100) – Ветеринария медицинаси (фаолият турлари бўйича) ва (60811500) – Зооинженерия (турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналишларини очиш ва қўшимча квоталар олиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Шунга асосан университетнинг аграр қўшма факультети қошида 2024 йилдан Зооинженерия (турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналиши очилди.

Республикада чорвачилик тармоқларини ривожлантиришда сўнгги етти йил мобайнида мисли кўрилмаган даражада ислохотлар олиб борилмоқда, буни том манода учинчи ренессанс даври деб атаса бўлади.

2016-2023 йиллар давомида президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан эълон қилинган 2 та фармон, 30 га яқин қарор, вазирлар Маҳкамасининг 50 дан ортиқ қарорлари билан Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмтасини ривожлантириш ва чорвачиликда илм-фанни ривожлантириш истиқболлари белгилаб берилган. Охириги йилларда Республикада иқтисодий ислохотларни амалга оширилиши, чорвачилик фермер хўжаликларига катта эътибор қаратилаётганлиги, чорвачиликда озуқа базасини мустаҳкамлашда суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланиб, озуқабоп экинлардан юқори ҳосил олиш ҳисобига озуқа ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ҳамда янги инновацион технологиялар асосида қўшимча

жадал усулда гидропоника технологияси асосида яшил озукасини етиштириш масалаларини ечиш чорвачилик соҳаси ходимлари зиммасига улкан вазифаларни юклайди.

Бу эса чорвачилик йўналишидаги наслчилик тоифасидаги хўжаликларида олий маълумотли зооинженерия мутахассисларининг назарий олган билимларини амалиётга боғлаш, чорва хайвонларнинг махсулдорлик хусусиятларини яхшилаш, озуқа базасини яратиш, уларни тўла қийматли озиқлантириш, асраш шароитларини яхшилаш, пуштдорлик хусусиятларидан унумли фойдаланиш, селекция – наслчилик ишларини йўлга қўйишдан иборат бўлади.

Республика ва Фарғона вилоятида фаолият кўрсатаётган чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида юқори махсулдорликка эришиш кўп жихатдан озуқа захирасининг мустаҳкамлигига боғлиқ, бунда куз, қиш ва баҳор мавсумларида экин майдонларида етарли озуқабоп экинлар бўлмаган даврда янги инновацион юқори самарали жадал (интенсив) усулда автоматлаштирилган гидропоник технологияси асосида яшил чорва озукасини етиштириш бошқа озуқабоп экинларни янги турларини экиш ва чорва хайвонларини махсулдорлигини ошириш, чорвачилик махсулотларини кўпайтириш ҳамда аҳолини озиқ-овқат махсулотлари билан таъминлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аширов М.Э ва бошқалар. Фермер ва дехқон хўжаликлари ҳамда аҳоли хонадонларида қорамолчиликни ривожлантириш бўйича амалий қўлланма. Тошкент 2019-йил.

2. Хамдамов Х.А ва бошқалар. Чорвачиликка фаол инвестициянинг асосий мезонлари. (сут ва гўшт йўналишидаги қорамолчилик фермаларини самарали бошқариш бўйича қўлланма) Тошкент 2020-йил

3. Usmonov O, Boboyev B, Mahammadaliyev M. Chet eldan olib kelingan qoramollar bilan ishlashga doir tavsiyalar. International scientific journal. 372-375 2023

4. Usmonov O, Boboyev B, Mahammadaliyev M. Qoramollarning to'g'ri harakatlanishi mahsuldorlik garovidir. International scientific journal. 52-56 2023.

5. Usmonov O, Boboyev B, Mahammadaliyev M. Baxriddinov F. Chorvachiligi rivojlangan davlatlarda olib borilayotgan naslchilik ishlari. Journal of new century innovations. 57-61 2023